



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



ПАРЛАМЕНТДА

САМАРАЛИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Кеча парламент қўйи палатасининг навбатдаги йиғилиши ҳам қизгин баҳслар асосида ўтди. Залда ўтирган депутатларнинг ҳар бири муҳокама қилинаётган масалалар бўйича ўз фикри, қараш ва таҳлилий ёндашувига эга. Аммо бирор қонун лойиҳасининг қабул қилиниши учун барча депутатларнинг турли фикрлари маълум бир уйғунликка келиши талаб этилади.

Бу осон жараён эмас. Чунки муҳокамаларда фикрлар хилма-хил бўлади ва ҳар бири асосли равишда илгари сурилади. Қонунчилик палатасининг биргина мажлисини кузатган инсон ҳам шуни англайдики, ҳар бир қонун лойиҳаси, ҳуқуқий ҳужжат чуқур ва ҳар томонлама муҳокамадан ўтади.

► (Давоми 2-бетда)

ДУНЁ ВА БИЗ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ҲИСОБОТ: ҚАЙСИ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИ?

Бугунги кунда инсоният тараққиётининг энг муҳим стратегик масалаларидан бири барқарор ривожланиш ҳисобланади. Иқлим ўзгариши, камбағаллик даражасини қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, ижтимоий тенгсизлик ва экологик муаммолар каби глобал таҳдидлар жаҳон ҳамжамиятини иқтисодий ўсиш, ижтимоий адолат ва экологик мувозанатни уйғунлаштирган янги моделни шакллантиришга ундамоқда.

Шу мақсадда 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2030 йилгача мўлжалланган, бани башар тараққиётининг асосий 17 та йўналишини қамраб олган Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинди.

2025 йилда эълон қилинган Барқарор ривожланиш бўйича ҳисоботда мазкур мақсадларга эришиш жараёнида дунё давлатлари қандай натижаларга эришгани таҳлилдан ўтказилди.

Маълум бўлишича, барқарор ривожланиш ғояси глобал миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётган эса-да, уни амалга ошириш жараёнида ҳали ҳам қатор жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда.

► (Давоми 6-бетда)



ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР БЕРМОҚДА

Ҳар бир давлат ва жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги, фикрлар муштараклиги, шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий жараёнларда фаол иштироки демократик ислохотларнинг муҳим ва асосий индикатори ҳисобланади. Айниқса, давлатнинг молия, иқтисодийёт борасидаги сиёсати шаффоф кўринишга эга бўлиши аҳолининг ишончи ошишида катта роль ўйнайди.

Бундай имкониятларни яратган мамлакатларга нисбатан «good governance» (яхши ҳукумат) ёки «public governance» (халқ ҳукумати) мақомини бериш амалиёти ҳам мавжуд. «Халқ ҳукумати» қарорларни қабул қилишда ва уни бажаришда фуқароларнинг кенг иштироки билан белгиланади.

1990 йилда Жаҳон банки томонидан дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари учун тажриба кўринишида иқтисодий лойиҳаларда аҳолининг фаол иштирокига қаратилган биринчи дастур ишлаб чиқилган ва бунда дастлаб аҳолининг фикрини олиш ташаббуси берилган эди.

Бугун дунё мамлакатларида аҳолининг давлат бошқарувида бевосита иштирокини таъминлашда ахборот технологияларининг ўрни ва таъсири ошиб бормоқда. Аммо бу ўринда савол туғилади. Бунинг самарасини қандай баҳоланади? Унинг натижалари қандай аниқланади?

Таҳлилларга кўра, «Электрон ҳукумат» ёки «Электрон ҳужжат» айланмаси биринчи навбатда инсон омилнинг аралашувини кескин камайтиришга хизмат қилади. Чунки

кимларнидир бундай лойиҳаларга «суқилиб» киришига умуман йўл қўйилмайди. Бу биринчидан.

Иккинчидан, аҳоли лойиҳада кўрсатилаётган масала ҳақида тўлиқ ёки қисман хабардор бўлади. Буни сиёсий амалиётда «Электрон демократия» ёндашуви деб ҳам номлаш урф бўлган, шу билан бирга, кўплаб ривожланган мамлакатларда бу қўлай, содда механизм сифатида қўллаб келинмоқда.

Ўзбекистонда бошланган «Очиқ бюджет» лойиҳасида дастлаб 300 мингдан ортиқ аҳоли қатнашган. Бугунги кунда бу лойиҳа аҳолининг фаоллигини ошириш билан бирга, ислохотларда шахсан иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

► (Давоми 3-бетда)

ДАВРА СУҲБАТИ

Гендер тенглик

инсон ҳуқуқлари кафолатининг муҳим мезонидир

Баъзан «гендер тенглик» деган гапни эшитсак, жуда катта, расмий ва узоқ тушунчадек туюлади. Лекин аслида бу ҳар бир оила, ҳар бир иш жойида инсонга, яъни барчага тенг имконият берилиши демакдир. Яъни кимдир фақат аёл бўлгани учун четлатилмаслиги ёки ўзини ожиз ҳис қилмаслиги керак.

Илгари айни мавзу унчалик очиқ гапирилмасди. Ҳозир эса қонунлар қабул қилинди, янги имкониятлар пайдо бўлди, аёлларга кўпроқ эътибор қаратиляпти.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида гендер тенглик ва хотин-қизлар мурожаатларини самарали ҳал этиш масалалари бўйича ўтказилган давра суҳбатида шу мавзуга эътибор қаратилди.

► (Давоми 5-бетда)

ИНСОН ЎЗИНГ...



ШИДДАТЛИ ДАВР, РУҲИЙ ИНҚИРОЗ, ДАРЗ КЕТАЁТГАН ОДАМИЙЛИК

Жамиятимиздаги ўзгаришларнинг, жамоатчилик кайфиятининг ўзига хос кўзгуси бўлиб улгурган ижтимоий тармоқларда баъзан киши кўнглини хижил қиладиган янгиликлар кўзга ташланиб қолади: кимдир ўзини юқори қаватдан ташлаб, жонига қасд қилган, қайсидир эркак (ёки аёл) дарғазабликда жуфтига пичоқ санчиган, мусофирдаги эридан аламини олиш ўйида ҳатто жондай азиз фарзандини аямай дўппослаётган она...

Инсонийликнинг юксак мақомига ярашамаган шундай оғриқли манзараларни, бизнингча, бир сабаб боғлаб туради. Бу – руҳий инқирознинг одамийлик мезонларини парчалаб юбораётганидир. Бинобарин, сўнгги йилларда руҳий саломатлик мавзуси бот-бот тилга олинаётган бежиз эмас.

► (Давоми 7-бетда)

ТАҚДИМОТ



“Саққизинчи мўъжиза”

Миллий матбуот марказида “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари кутубхонаси” рукнида чоп этилган “Саққизинчи мўъжиза” бадий-публицистик китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг таниқли журналистлари, адабиётшунос олимлар, медиа соҳасида таҳсил олаётган ёшлар, босма оммавий ахборот воситалари ва электрон нашрларнинг раҳбарлари иштирок этди.

► (Давоми 8-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

САМАРАЛИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР
ҲАЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Энг муҳими, бу муҳташам ва ўта масъулиятли залда "дунёга келаётган" ҳар бир қонун, қабул қилинаётган ҳар бир қарор одамларимизнинг ҳаётини энгиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ийгилик кун тартибига кўра, дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Эл-юрт умиди" жамғармаси стипендиатининг мажбуриятларини аниқ белгилаш, жамғарма томонидан сарфланган маблағларни ўндириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво киритишда давлат божини тўлашдан озод қилишни назарда tutувчи нормани киритиш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибини соддалаштириш ҳамда муддатларни қисқартириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, бундай ҳужжатлар лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси муддатини 10 кун этиб белгилаш, 5 кун ичида таклиф келиб тушмаган тақдирда лойиҳани ҳуқуқий экспертизага киритиш имкониятини бериш, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини 20 кунга қисқартириш таклиф этилмоқда.

Қизгин ўтган мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**"РЕКЛАМА
ТЎҒРИСИДА"ГИ
ҚОНУННИНГ АЙРИМ
МОДДАЛАРИГА
ҚЎШИМЧА ВА
ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИЛМОҚДА**

Мажлисда суғурта хизматларига оид рекламаларни



Энг муҳими, бу муҳташам ва ўта масъулиятли залда "дунёга келаётган" ҳар бир қонун, қабул қилинаётган ҳар бир қарор одамларимизнинг ҳаётини энгиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг айрим моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда. Унга кўра, суғурта савдоҳонлигини оширишга қаратилган ахборотни ижтимоий ахборот этиб белгилаш ҳамда ижтимоий ахборотнинг реклама берувчилари сифатида соҳалардаги ваколатли давлат органларини ҳам киритиш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳаси суғурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида истеъмолчиларни кенг қамровли ва ишончли ахборот билан таъминлаш орқали уларнинг бу хизматлардан фойдаланиши учун қулай шарт-

шароитлар яратиш, аҳолида суғурта хизматларига бўлган ишончни оширишни назарда тутди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар барча саволларга тушунтиришлар бериб ўтди.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

**ЭКСПОРТ ТАРТИБ-
ТАОМИЛЛАРИ ЖАҲОН
САВДО ТАШКИЛОТИ
ҚОИДАЛАРИГА
МУВОФИҚЛАШТИРИЛАДИ**

Мажлисда "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига экспорт тартиб-таомилларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига биноан олиб чиқиладиган буюмлар ва маҳсулотларни экспорт қилишга доир рухсатнома бериш тартибини бекор қилишни назарда tutувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга қўлланиладиган жарималар рўйхатидан экспортга оид чекловлар чиқариб ташланмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, белгилаётган нормалар маҳсулотлар экспортини кенгайтириш,

экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва очиқ бозор муҳитини яратишга, шунингдек, миллий қонунчилигимизни ЖСТ қоидаларига уйғунлаштиришга хизмат қилади.

Қизгин ўтган мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**ТРАНСПОРТ ВАЗИРИ
ПАРЛАМЕНТГА АХБОРОТ
БЕРАДИ**

Депутатлар транспорт вазири И.Маҳкамовнинг "Темир йўл транспорти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўловчи ва юк ташиш хизматларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масалани кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда темир йўл транспорти соҳасини жадал ривожлантириш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, логистика тизимини такомиллаштириш, юк ва йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳоли ва иқтисодий тармоқларини ишончли, узлуксиз ва сифатли транспорт хизматлари билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларга чиқиб ўрганишлари жараёнида темир йўл транспортида йўловчи ва юк ташиш хизматлари даражасини ошириш, вагонлар сонини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, вокзаллар инфратузилмасини ривожлантириш, сервис ва рақамли хизматлар билан боғлиқ айрим масалалар кузатилмоқда.

Мажлисда шундан келиб чиқиб, мазкур масала юзасидан транспорт вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

МУНОСАБАТ



Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ўзбек ва тожик халқларини умумий тарих, ўхшаш маънавий қадриятлар, ўзаро ҳурмат, яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бирлаштириб туради. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Қардошлик ришталари ривожда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилиб, икки томонлама алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома

**Қардошлик алоқаларида
янги босқич**

имзолангани минтақа халқлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларига кенг йўл очди.

Давлатларнинг яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро ишонч ва минтақани барқарор ривожлантиришга интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшма декларация қабул қилинди. Эришилган келишувлар кўп йиллик чегара масалаларини ҳал этиш, Марказий Осиёда барқарорлик ва шерикликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Ўзаро савдода барқарор ижобий суръат кузатилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам кейинги йилларда жадал ривожланди. Парламент делегацияларининг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этиб, парламентдаги дўстлик гуруҳлари доирасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Давлатимиз раҳбари таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, янги стратегик йўналишларни белгилаш ҳамда

минтақавий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, икки давлат раҳбарлари раислигида Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилиши ўтказилиши нафақат жорий кун тартибини мувофиқлаштириш, балки ҳамкорликнинг узок муддатли истиқболларини шакллантириш имконини бериб, икки томонлама ҳамкорликда янги саҳифа очди.

Ҳамкорликнинг янги йўналишлари батафсил муҳокама қилиниб, ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш йўллари таҳлил этилди. Ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қатта суръат бағишлайдиган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, иқтисодий ривожланиш, савдо ҳамжони ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтиришга имкон беради.

Ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик орқали икки халқ ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланиб, ҳудудий барқарорлик таъминланади. Энг муҳими, мазкур йиғилиш ва унда қабул қилинган қарорлар ҳар икки давлатнинг иқтисодий

ўсиши, аҳоли фаровонлиги ва минтақавий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Йиғилишда 2030 йилга келиб, ўзаро савдони 2 миллиард долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилди. Бу эса экспорт ва импорт ҳажмини кўпайтириш, янги бозорлар очиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга туртки беради. Савдо кўпайса, корхоналар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Энергетика, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва бошқа кўплаб соҳалардаги шериклик афрофлича кўриб чиқилиб, ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди. Бу эса келажақда энергия танқислигини камайитириш ва барқарор

таъминотни таъминлашга, сувдан оқилона фойдаланишга, экологик мувозанатни сақлашга ҳамда товар айирбошларни тезлаштириб, бизнес учун янги имкониятлар яратади.

Ташриф давомида давлат раҳбарлари йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида ҳам иштирок этиб, 10 та қўшма лойиҳани бошлаб берди. Мазкур лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга кучли суръат бағишлайди.

Умунан айтганда, икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва жадал тараққиётни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.





ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ

электорат манфаатларига хизмат қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар бермоқда

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСИ

Кейинги йилларда Ўзбекистондаги ислохотлар бу борада қанчалик тўғри йўналиш танланганини кўрсатиб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 29 августдаги "Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, "Ташаббусли бюджет" учун ажратиладиган маблағлар кўлами янада кўпайтирилиб, бу жараёнда Қонунчилик палатаси депутатларининг иштироки ва ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Унга кўра, депутатлар ўз сайлов округларида ғолиб бўлмаган лойиҳалар орасидан бир йил давомида иккита лойиҳани танлаб, ғолиб деб топади. "Очиқ бюджет" ахборот порталида депутатлар танлови учун алоҳида бўлим очилган ва депутатларнинг танловни амалга ошириши аҳолига кўриниб туради. Бу

очикликни оширади, сиёсий фаолликни ривожлантиради.

Эндиликда ташаббусли бюджет доирасида ғолиб бўлмаган лойиҳани депутат ташаббусига кўра ғолиб, деб эълон қилиш имконияти қатор янги алоҳида ёндашувларга асосланади.

Биринчидан, бу тизим депутатларнинг сиёсий фаоллигини ва сайловчилар олдидаги сиёсий масъулиятини янада кучайтиришга туртки беради.

Иккинчидан, депутатларнинг ҳар йили аҳолининг кундалик ҳаётига ва ҳудудни ривожлантиришга бевосита таъсир қиладиган 2 та лойиҳани танлаш имконияти яратилади.

Учинчидан, сайлов округларида ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича депутатларни зарур ресурслар билан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилади.

Тўртинчидан, ташаббусли бюджет лойиҳаларини молиялаштиришда олий давлат вакиллик органи назорати кучайтирилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичидаёқ аҳоли

ва депутатлар ўртасида ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Сайлов округларидан қайтган депутатлар ташаббуснинг аҳоли ижтимоий кайфиятига катта таъсир этганини, уларнинг мамнун эканини алоҳида таъкидлашмоқда.

Хусусан, Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари энг мақбул лойиҳаларни жойларга чиқиб, аҳоли вакиллари билан кенг қамровли мулоқотлар ўтказиш орқали танлашга эътибор қаратди. Ғолиб бўлмаган лойиҳаларнинг долзарблиги, аҳоли учун қай даражада аҳамиятли экани ҳар томонлама ўрганилди. Энг асосийси, ҳаммаси шаффоф тарзда амалга оширилди, буни жамоатчилик ҳам эътироф этди.

Фракциянинг йиғилишида қайд этилишича, давлатимиз раҳбарининг ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш, депутатлар ва сайловчилар, айниқса, электорат вакиллари орасида ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган қарори катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу ташаббус орқали республика бўйича ижтимоий қиймати юқори бўлган, халқимиз орзиқиб кутаётган 300 та қўшимча лойиҳани амалга

ошириш имконияти очилади.

Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари сайлов округларидаги фаолияти давомида турли лойиҳалар билан бевосита танишиб, электорат вакиллари фикр-мулоҳазалари асосида қатор лойиҳаларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватламоқда.

Хусусан, маълумотларга кўра, таълим муассасаларини таъмирлаш, қўшимча бинолар қуриш ёки реконструкция қилиш бўйича 10 та, йўлларни таъмирлаш бўйича 7 та, ирригация ва сув тармоқларини таъмирлаш бўйича 3 та, жами 20 та ижтимоий лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, ташаббусли бюджет жараёнларида депутатларнинг иштироки – бу нафақат назорат ва вакиллик вазифасини бажариш, балки жамият ва давлат ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, қарор қабул қилиш жараёнларини янада демократлаштириш демакдир. Шу боис, ушбу жараёнларда депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Ҳақиқатан ҳам, бу янгилик муҳим сиёсий қарор бўлди, десам хато бўлмайди. Бу бизларга яна бир бор ишонч, шунингдек, халқимизнинг янада фаоллашувига асос бўлди. Яқинда ҳудудларда бўлганимизда асосий масалалар қаторида бу янгиликни сайловчилар билан ўртоқлашганимизда, уларнинг нечоғли хурсанд бўлганликларини тасаввур қилишингиз мумкин.

Хусусан, мен танланган лойиҳа аввал 15 минг овоз йиғиб ҳам юта олмаган экан. Аммо ижтимоий жиҳатдан муҳимлигини ҳисобга олиб, Денов туманидаги "Қизилжар" МФЙдан ўтувчи йўл учун овоз бердим. Сабаби, бу лойиҳа ҳудуд аҳолисининг ҳаракатланиши, айниқса, мактабларга қатнаётган ёшларимиз учун зарур.

Сайёра ИМОВОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Туман Кенгашида, Жўқорғи Кенгесда, мана, энди Олий Мажлис Қонунчилик палатасида уч чақириқ депутат бўлиш насиб этди. Лекин шунча йиллик тажрибамда депутатни халқ билан, сайловчилар билан яқинлаштирувчи бундай механизмни кўрмаганман, десам ҳам бўлади.

Ўзим Қорақалпоғистон Республикасидан сайланганим, ҳудудни яхши билганим учун бу ташаббус мен учун катта имконият бўлди, деб ўйлайман. Энг асосийси, Президентимизнинг ташаббуси орқали яна қўшимча имконият берилиши, айниқса, алоҳида сумманинг кафолатли ажратилиши тарихий ўзгаришларнинг яна бир дебочаси эканига ишонаман.

Мен Беруний туманидаги "Мустақиллик" маҳалласида ички йўлларни таъмирлаш лойиҳасига овоз бердим, бу йўл иккита мактаб ўқувчиларининг ўқишга қатнаш имкониятини яхшилайди. Сайловчилар, минглаб ота-оналар бу лойиҳа, бу ташаббусдан жуда хурсанд.

Қизилгүл ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Ҳудудларга бориб, аҳоли билан учрашганимизда бир қатор ижтимоий масалаларга дуч келардикки, баъзан уларни ечишда ўзимизда ҳам имкониятлар, керак бўлса, ресурслар етишмас эди.

Президентимизнинг депутатларнинг сиёсий фаоллиги ва ташаббусларига куч берган қарори мени ҳам қаттиқ хурсанд қилди. Тошкент вилоятидан сайланганим учун Ангрэн шаҳри "Кимёгар" МФЙ ҳудудидаги 1992 йилдан бери таъмирланмаётган ички йўлларни, яъни аҳоли учун сувдек зарур бўлган лойиҳани танладим, асосийси, халқ мамнун. Бу ишонч биз, депутатлар учун катта шараф.

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Мен ўзим иқтисодчиман. Ҳар бир сарфланган пул амалий натижага йўналтирилиши муҳим, деб ҳисоблайман. Тажрибамда мени бунчалик руҳлантирадиган бундай ёндашувлар кам бўлган. Шу боис, пулни тўғри йўналтиришда ўзим иштирок этаётганим ва буни Президент барча депутатларга ишонч сифатида тақдим этиши мени ҳам хурсанд қилди. Ўзим ҳам энг оғир, энг зарур лойиҳаларга эътиборимни қаратдим. Кўхдала туманида касб-хунар техникуми билан боғлиқ лойиҳага овоз бердим. Техникум бор, амалий ишлар учун устахона йўқ, жиҳоз йўқ. Бу лойиҳага овоз беришимнинг сабаби, эртага ёшларнинг касб эгаси бўлиб чиқиши, бандлиги таъминланишида катта имкониятларни яратади.

Шокиржон АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Бизнинг партиямиз электорати, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ушбу лойиҳани депутатларга катта имконият, масъулият ва ваколат, деб қабул қиламан.

Мен Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 39-умумтаълим мактабини жиҳозлаш, моддий-техник базасини яхшилаш лойиҳаси учун овоз бердим. Мактаб, ўқувчи ва ўқитувчилар анча йилдан бери шундай лойиҳа молиялаштирилишига муҳтож бўлиб юрган экан. Таълим ва билимга сарфланган маблағ ҳар доим ўзини оқлайди.

Зокиржон ЗОҲИДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Ташаббусли бюджет уникал десам, хато қилмаган бўламан. Бу сафарги сайлов округларидаги учрашувларим ҳамда сайловчиларнинг кайфиятини тасаввур ҳам эта олмайсиз.

Риштон туманидаги спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини ривожлантириш тадбирлари учун, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабига овоз бердим.

Амалга ошадиган лойиҳалар партиямизни, фракциямизни электоратимиз вакиллари билан янада ҳамжиҳатлаштиришга хизмат қиладди.

Ғолибжон МАҲАММАДЖАНОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши шўъба мудир, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(PhD)

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ



Эркин ГАДОБЕВ,
Олий Мажлис Сенати
Бюджет ва иқтисодий масалалар
қўмитаси раиси.

Ҳозирда жаҳонда ҳукм сураётган мураккаб бир даврда мамлакатимиз иқтисодий ривожини жадал суръатда олиб боришда халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, микромолия ташкилотлари томонидан исломий молия хизматлари кўрсатилиши учун ҳуқуқий асос 2024 йилнинг июль ойида яратилганига қарамай, исломий молия хизматларини солиққа тортиш масалалари ҳал этилмагани сабабли мазкур хизматларнинг микромолия ташкилотлари кредит портфелидаги улуши атиги 3,8 млрд. сўмни ёки 0,04 фоизни ташкил этган.

МАМЛАКАТИМИЗДА БАНК ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини жорий қилишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан исломий банк фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва банклар томонидан исломий молия хизматлари кўрсатилиши тартиби белгиланди.

Қонун билан Марказий банкка Кредит ташкилотлари учун исломий молия стандартларини тасдиқлаш ва Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш, қайта расмийлаштириш ва қақриб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатлари берилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, банклар исломий банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясини олган ҳолда бир вақтнинг ўзида ҳам аънавий молия операцияларини, ҳам исломий молия операцияларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, Бosh регулятор томонидан Исломий молия фаолияти билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштирувчи Марказий банкнинг исломий молия кенгашини ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиши ва унинг фаолиятига доир талабларни белгилаш нормаси киритилди.

Марказий банкнинг исломий молия кенгаши МБ назорат қилиши керак бўлган шахслар томонидан амалга ошириладиган исломий молия фаолиятини

мувофиқлаштирувчи коллегиял орган ҳисобланади.

Марказий банк исломий молия кенгаши исломий молия стандартларини ишлаб чиқади, ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Марказий банкка кўмаклашди, баҳс-мунозараларга сабаб бўлувчи масалалар юзасидан тушунтиришлар ва изоҳлар беради ҳамда исломий молия фаолияти билан боғлиқ низолар бўйича хулосалар тақдим қилади.

Банк томонидан банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар (қарзлар) бериш бўйича банк фаолияти операциялари бўйича банкларга нисбатан белгиланган қоидалар исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларга нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия орқали банклар фойдани тақсимлаш шарти асосида миқдори молиялаштириш ёки пул маблағларини инвестициявий омонатларга жалб этиш, вакиллик шартномаси орқали пул маблағларини бериш ёки инвестициявий омонатларга жалб этиш, товарни насияга сотиш орқали миқдори молиялаштириш, товарлар учун олдиндан ҳақ тўлаш орқали миқдори молиялаштириш, биргаликдаги фаолиятни (шерикчилик) амалга ошириш ёки юридик шахсларнинг

устав капиталида иштирок этиш орқали миқдори молиялаштириш ва мол-мулкни исломий ижарага бериш каби фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган банкларнинг тегишли фаолияти исломий молия стандартларига мувофиқлиги юзасидан ҳар йили камида бир мартаба исломий молия бўйича ташқи аудит текшируви ўтказилиши лозим.

Исломий молия операцияларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам белгиланди, жумладан, солиққа тортиш мақсадларида банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан исломий молия фаолияти доирасида миқдори реализация қилинадиган товарларга қўйиладиган устам ҚҚСдан озод қилинади.

Шунингдек, республикамиздаги банклардаги аҳоли омонатларини кафолатлаш механизмлари исломий молия соҳасидаги илғор амалиётларга мувофиқ исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларга ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия жорий қилинаётгани муносабати билан исломий банк фаолиятини лицензиялаш учун давлат бож белгиланган.

Мамлакатимизда исломий банк хизматлари босқичма-босқич йўлга қўйилиши яширин иқтисодиёт улушини камайитиришга, хорижий инвестицияларни жалб этишга хизмат қилади.

АКС-САДО

Мурожаатлар

— жамият кайфиятини кўрсатувчи муҳим кўзгу



Аббор ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари.

Мамлакатимизда аҳоли билан мулоқот маданиятини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг мурожаатларини тизимли ўрганиш ва уларга ўз вақтида ечим топиш масалалари давлат бошқарувидаги устувор йўналишлардан бирига айланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, Халқ қабулхоналари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш ва жамоатчилик фикрини чуқур таҳлил қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бу борадаги ишларнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Сўнги йилларда юртимизда “давлат халқ учун хизмат қилиши керак” деган тамойил амалда ўз ифодасини топаётгани барчамизга маълум. Аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, одамларнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган кенг қўламли дастурлар изчил олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда маҳаллаларда инфратузилма ва аҳоли турмуш шароитини яхшилаш учун 56 триллион сўм маблағ ажратилаётгани давлат сиёсатининг инсон манфаатларига йўналтирилганини яна бир бор тасдиқлайди.

Йиғилишда шунча имконият ва механизмлар мавжуд бўлишига қарамастан, айрим ҳудудларда аҳоли мурожаатларига ўз вақтида ечим топилаётгани, баъзи ҳолларда муаммолар ижтимоий тармоқларда катта муҳокамага сабаб бўлганидан кейин ҳаракат бошланаётгани жойлардаги ижро интизоми ва масъулият масаласини жиддий кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Аслида мурожаатлар — бу фақатгина ариза ёки шикоят эмас. Улар жамиятдаги реал кайфият, одамларнинг кундалик ҳаётида учраётган муаммолар, айрим соҳалардаги тизимли камчиликларни намоён этувчи кўзгудир. Шу боис мурожаатларни фақат расмий тартибда кўриб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни бартараф этиш давлат бошқарувининг муҳим вазифасига айланмоқда.

Йиғилишда алимент масаласи, энергетика ва коммунал инфратузилма, йўллар ҳолати, ичимлик суви таъминоти каби соҳалар бўйича мурожаатлар кўплиги алоҳида қайд этилди. Бу эса мазкур йўналишларда хизматлар сифати ва мавжуд муаммоларни чуқур

таҳлил қилиш, манзилли чора-тадбирларни кучайтириш зарурлигини аниқлатади.

Айниқса, Халқ қабулхоналарини фақат мурожаат қабул қилувчи идора сифатида эмас, балки жойлардаги муаммоларни тизимли таҳлил қиладиган, масъул идоралар фаолиятига таъсир кўрсатадиган ва амалий ечимлар ишлаб чиқадиغان марказга айлантириш ҳақида билдирилган фикр ва ташаббуслар давлат бошқарувида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб бериши шубҳасиз.

Бу жараёнда сиёсий партиялар вакиллик органлари фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки аҳоли мурожаатларини тизимли ўрганиш ва уларни давлат қарорлари қабул қилиниши жараёнига етказишда партиялар муҳим кўприк вазифасини бажаради. Шу маънода, Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун аҳоли мурожаатлари билан ишлаш партиянинг дастурий мақсадлари ва ижтимоий адолат тамойилларини амалга оширишнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Партиянинг жойлардаги кенгашлари, маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган депутатлари ҳамда Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни йўналтираётган муаммоларни ўрганиш ва бу масалаларни парламент ҳамда маҳаллий вакиллик органлари кун тартибига олиб чиқишда янада фаол бўлиши зарур.

Бугунги кунда партия Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тўшаётган мурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқароларни энг кўп ташвишга солаётган масалалар иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар сифати, уй-жой таъминоти, ижтимоий ҳимоя ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, партия депутатлари ва кенгашлари олдида турган устувор вазифаларни янада аниқ белгилаб беради.

Шу нуқтага назардан, партия депутатлари жойлардаги мурожаатларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли идоралар фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, аҳолини йўналтираётган масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш, улар буйича аниқ қарорлар қабул қилинишига эришиш ҳам партия вакилларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда партиянинг барча даражадаги кенгашлари ва депутатлик корпуси аҳоли мурожаатлари билан ишлашда фақат уларни кўриб чиқиш билан чекланиб қолмасдан, муаммонинг илдиз сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган амалий тақлифлар ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила манфаати, ижтимоий адолат масаласи туради. Шунинг учун ҳам Халқ демократик партияси аҳоли мурожаатларини жойлардаги ижтимоий муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича самарали парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим манбаи сифатида кўради.

Одамларнинг дарди эшитилган, муаммолари ўз вақтида ҳал этилган жамиятда давлатга бўлган ишонч мустаҳкамланади, ижтимоий барқарорлик ва адолат тамойиллари янада кучаяди.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ

НАВОИЙДА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРЯПТИ?



Кейинги йилларда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишни мақсад қилган Халқ демократик партияси учун ҳам бу принципиал масала ҳисобланади. Шу сабабдан партия мазкур соҳадаги стратегик вазифаларнинг ҳудудлардаги ижроси бўйича доимий ўрганиш ва таҳлиллар олиб бормоқда.

Навоий шаҳрида ўтган “Камбағалликни қисқартириш: натижалар, муаммо ва ечимлар” маърузидаги жамоатчилик эшитувида вилоятдаги мавжуд ҳолат масъул идоралар мутасаддилари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масала юзасидан Навоий вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси, шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги вилоят бошқармаси раҳбарларининг ахбороти эшитилди. Қайд этилишича, 2025 йил бошида вилоятда Ижтимоий реестрда турган камбағал оилалар сони 13,8 мингга бўлиб, камбағаллик даражаси 5,7 фоизни ташкил қилган. Йил давомида 10,2 минг оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 4,2 фоизга тушган.

Ўтган йили вилоятда 156,7 минг нафар аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш режа қилинган бўлса, амалда бу рақам 162,7 минг нафарни ташкил этган.

Навоий, Зарафшон ва Ғозгон шаҳарларида ишсизлик даражаси 4 фоиздан пасайиб, “табиий ишсизлик” даражасига яқинлашгани ҳам муҳим натижа сифатида қайд этилди.

Эшитувда депутатлар камбағалликни қисқартиришда эришилган натижалар билан бир қаторда, ҳали ечимини кутаётган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, бугунги кунда вилоятдаги 310 та маҳалладан 143 таси камбағалликдан чиқарилгани, айрим ҳудудларда аҳолини доимий ва

барқарор даромад манбалари билан таъминлашда учраётган муаммолар таҳлил қилинди.

Мутахассисларнинг фикрича, камбағалликни қисқартиришда таълим тизими билан меҳнат бозори ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаш муҳим. Касб-хунарга ўқитиш марказларида бозорда талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ва битирувчиларни ишга жойлаштиришнинг аниқ механизмининг аҳолининг манзиллилигини самарадорликни ошириш мумкин.

Шунингдек, камбағалликни қисқартиришга фақат ижтимоий нафақалар ажратилиши ва бир марталик ёрдамлар билан эмас, балки аҳолининг доимий даромадга эга бўлиши, янги иш ўринлари яратиш орқали эришиш мумкинлиги таъкидланди.

Жамоатчилик эшитувида партия электорати вакиллари мутасаддиларга бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди, фуқароларни йўналтираётган қатор масалалар юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Халқ демократик партияси депутатлари ҳудудлардаги ўрганиш натижалари асосида фикр-мулоҳаза ва тақлифларини билдиришди. Камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимоянинг манзиллилигини ошириш муҳимлиги билдирилди. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири экани қайд этилди.

Халқ демократик партияси сўл қанот сифатида мазкур йўналишдаги ишларнинг ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли мурожаатлари билан яқиндан ишлаш, уларни янада самарали ҳал этиш бўйича саъй-ҳаракатларини изчил давом эттириши таъкидланди.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.**

ДАВРА СУҲБАТИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Суҳбат жараёнида иштирокчилар томонидан бугунги кунда имкониятлар кенгайгани, қонунчилик такомиллашгани, аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кучайгани, лекин шу билан бирга, хотин-қизларнинг бу борадаги мурожаатлари ҳам кам эмаслиги, яратилган имкониятлардан фойдаланишда айрим қийинчиликлар сақланиб қолинаётгани қайд этилди.

Акмал УМАРАЛИЕВ,
ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

- Гендер тенглик ижтимоий адолат ва барқарор тараққиёт асоси ҳисобланади. Чунки жамиятда эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятлар яратилмас экан, ҳақиқий ривожланишга эришиб бўлмайди.

Оддий қилиб айтганда, жамиятнинг ярми тўлиқ имкониятдан фойдалана олмаса, бу жамият тўлиқ куч билан ҳаракат қилмаяпти дегани. Шунинг учун ҳам гендер тенглик масаласи фақат аёллар муаммоси эмас, балки бутун жамиятнинг келажаги билан боғлиқ масаладир.

Ўзбекистон аҳолисининг 49,6 фоизини аёллар ташкил этади ва бу кўрсаткич уларнинг жамиятдаги ўрни нақадар муҳим эканини яққол ифодалайди. Хусусан, Тошкент вилоятида 1 миллион 574 мингдан ортиқ аёл истикомат қилаётгани ҳудудий сиёсатда хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

Биламизки, 2019 йилда қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун жамиятда гендер тенгликни таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. У нафақат ҳуқуқларни ҳимоя қилади, балки аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни амалга ошириш жараёнини тизимли равишда қонуний тартибга солади.

Бу қонун орқали аёлларнинг таълим олиш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва давлат бошқарувидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Бу энг асосий ижобий натижа ҳисобланади, чунки аёлларнинг фаоллиги жамиятдаги қарорлар қабул қилинишида ҳам ҳис этилади ва иқтисодий ҳамда ижтимоий тараққиётга сезиларли таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, хотин-қизлар мурожаатларини самарали кўриб чиқиш ва уларга тез ва аниқ ечим топиш жараёнлари ҳам бу қонуннинг амалий аҳамиятини янада оширмоқда. Бу эса нафақат ҳуқуқий адолатни таъминлайди, балки аёлларнинг ўз ҳаёти ва имкониятлари устидан ишончини мустаҳкамлайди.

Албатта, ушбу жараёнда хотин-қизлар мурожаатларини самарали кўриб чиқиш ва уларга тез ва аниқ ечим топиш учун қатор амалий чоралар кўрилиши муҳим. Бу борада бир қатор таклифларни баён этмоқчиман.

Айтиш керакки, мурожаат олганидан кейин тезкор қайта алоқа муҳим аҳамиятга эга. Аёлга унинг мурожаати қай даражада кўриб чиқилаётгани ҳақида маълумот бериш орқали ишонч ва очиқлик таъминланади. Бу ортиқча кўрқув ва шубҳаларни камайтиради. Ҳар бир мурожаат текширилишида қонун ва амалдаги йўриқномалар асос қилиб олиниши, аёлларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиши керак. Бу нафақат адолатни таъминлайди, балки аёлнинг ҳуқуқини ҳимоя қилади.



Гендер тенглик инсон ҳуқуқлари кафолатининг муҳим мезонидир

Шу билан бирга, психологик ва маслаҳат бўйича қўллаб-қувватлаш ҳам муҳимдир. Мурожаат қилган аёллар психолог ёки ҳуқуқшунос билан учрашиб, ўз муаммосини тушунтириши ва ечим топишда қўллаб-қувватланиши лозим. Бу тизим самарадорлигини оширади ва аёлларнинг ўзини ишончли ҳис қилишини таъминлайди.

Шундай қилиб, оиладан бошлаб иш жойигача бўлган барча муҳитда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фикрини эшитиш ва имконият бериш орқалигина ҳақиқий натижага эришиш мумкин.

Коммуна ШЕРМАТОВА,
Чиноз тумани "Тадбиркор аёл" уюшмаси раиси:

- Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш — бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда аёллар нафақат оила бекаси, балки иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчисига айланган. Улар таълим олади, тадбиркорлик қилади, давлат ва жамоат бошқарувида фаол иштирок этади.

Аёлларнинг иқтисодий фаоллиги — бу нафақат оила фаровонлиги, балки бутун мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун муҳим омилдир. Улар тадбиркорлик билан шугулланса, янги иш ўринлари яратилади, бизнес ва инновациялар ривожланади. Шу билан бирга, давлат бошқарувида аёлларнинг иштироки қарор қабул қилиш жараёнини мукамаллаштиради ва жамиятнинг турли қатламлари фикрини ҳисобга олишга имкон беради.

Шу маънода партиямиз ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган учрашувлар, давра суҳбатлари ва маърифий тадбирлар орқали аёлларнинг муаммолари ўрганилмоқда, уларнинг мурожаатлари жойида ҳал этиляпти. Масалан, иш бошлаш ниятида юрган аёлларга молиявий маслаҳатлар ва кредит олиш имкониятлари бўйича кўмак кўрсатилмоқда, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш учун тегишли давлат дастурларига йўналтирилмоқда. Шунингдек, таълим ва касб-хуна

соҳасида мурожаат қилган хотин-қизларга тегишли тренинглар ва малака ошириш курслари таклиф этилиб, уларнинг билим ва кўникмалари кучайтирилмоқда. Бу аёлларга нафақат ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, балки жамиятда фаол иштирок этиш имконини ҳам беради.

Шу тариқа, жойлардаги тадбирлар орқали аёллар ҳаётида ҳақиқий ўзгаришлар юзага келмоқда, уларнинг имкониятлари кенгайиб бормоқда ва жамиятда аёллар иштироки тобора фаоллашмоқда. Бу эса нафақат гендер тенгликни таъминлайди, балки барқарор тараққиёт ва ижтимоий адолатнинг асоси ҳисобланади.

Давра суҳбатларида халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Кенгаши депутати Наргиза Холтўраева гендер тенгликни таъминлашда амалий ёндашувлар ҳақида гапириб ўтди. У жойларга чиқиб ўрганишлар ўтказиш, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва ечим самарали натижа бераётганини қайд этди.

"Аёллар дафтари" тизими орқали эҳтиёжманд аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ва касб-хунарга ўргатиш бўйича эришилган натижаларга алоҳида тўхталди. Шунингдек, депутатлик сўрови институти орқали муаммоларни ҳал қилиш амалиёти самарали ишлаётгани таъкидланди.

Оила ва хотин-қизлар кўмитаси бўлим бошлиғи Ўғиллой Ҳасанов ўз сўзида гендер тенглик тизимли сиёсат ва стратегик ёндашув маҳсули эканини қайд этди. У мамлакатимизда бу йўналишда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилганини, 110 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлади, янги таҳрирдаги Конституция, "Ўзбекистон – 2030" стратегияси ҳамда гендер тенглик стратегиясида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилганига урғу бериб ўтди. Шунингдек, халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрни сезиларли даражада яхшиланганига мисоллар келтирилди.

- Парламентлараро иттифоқ рейтингларида 36-ўрин, гендер индексда 52-ўрин ва Жаҳон банки

рейтингда 48-ўрин эгаллаши — амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳақиқий самарадорлигини кўрсатади. Бу натижалар гендер тенгликка эътибор қаратилган чора-тадбирлар фойда бериши ва уларнинг ҳаётда сезиларли ўзгаришларга олиб қелаётганини исботлайди, — деди Ўғиллой Ҳасанов.

ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудир, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати Мухсидин Низомидинов бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар натижасини аниқ рақамлар ва тахлиллар орқали изоҳлаб берди.

Маърузачи, айниқса, қизларнинг интеллектуал салоҳияти тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Масалан, қизлар орасида олий ва касб-хуна таълими билан шугулланувчи фуқаролар сони йилдан-йилга ўсмоқда, бу эса уларнинг билим ва кўникмалари кенгайиб, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун имкон яратмоқда.

Таъкидландики, 2024–2025 ўқув йилида республика бўйича 11-синфни 433 503 нафар, 9-синфни эса 633 952 нафар ўқувчи тамомлаб, жами 1 067 455 нафар битирувчиға шаходатнома берилган. Шу билан бирга, 13 686 нафар иқтидорли битирувчи олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган бўлиб, уларнинг катта қисмини айнан қизлар ташкил этгани бугунги таълим тизимидаги муҳим тенденцияни кўрсатади.

Бу рақамлар таълим соҳасида аёлларнинг интеллектуал салоҳиятининг тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Қизлар нафақат билимини, балки фаол ва мақсадлик хусусияти билан ҳам ажралиб турибди. Бу эса уларнинг келажақда иқтисодий, ижтимоий ва давлат бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлайди.

Гендер тенгликни кафолатлаш фақат давлат органларининг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамиздир. Чунки адолатли ва барқарор жамият айнан тенг имкониятлар асосида қурилади.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



Яқинда Президентимиз раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган видеоселектор ййғилишида айрим масъул раҳбарлар сайёр ва шахсий қабулларга юзак ёндашаётгани, халқ билан доимий ва очиқ мулоқот бўлиш талабига бефарқ ёндашув ҳам кузатилаётгани танқид қилинган эди.

МАНЗИЛЛИ ВА САМАРАЛИ

Хусусан, энергетика, йўл ва сув инфратузилмаси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, 2025 йилда айнан шу соҳалар бўйича келиб тушган мурожаатлар сони 109 мингдан ошгани қайд этилган.

Бу эса аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ҳали ҳам тўлиқ бартараф этилмаганини кўрсатади. Шу боис масъул идора ва ташкилотлар олдиға ушбу масалаларни тизимли равишда ҳал қилиш, мурожаатларга ўз вақтида ва самарали жавоб қайтариш вазифаси қўйилди.

Аҳамиятлиси, бу талабларни чуқур англаган ҳолда депутатлик фаолиятида сезиларли ўзгаришлар ясаётган халқ вакиллари сафи кенгайиб бораётир. Юқори Чирчиқ туманидаги 16-Қорасув сайлов округи депутати Ускенбай Атемов шулардан бири.

Депутат У. Атемов аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, оддий одамлар дуч келаётган муаммоларни манзилли ўрганиш ҳамда ҳаётий ечимлар топиш борасида фаол ва ташаббускор.

Унга яқинда тумандаги "Бирлик", "Тоштўғизок", "Маърифат" ва Навоий маҳалларида яшовчи бир гуруҳ фуқаролардан мурожаатлар

келиб тушган эди. Жумладан, "Бирлик" маҳалласининг бир гуруҳ фуқаролари ҳудуддаги симёғочлар эскиргани ва оқибатда электр энергиясида тез-тез узилишлар бўлаётгани, "Тоштўғизок" маҳалласида яшовчи Н. Калимбетов Қоратухум кўчасидаги 3 та қўлбола электр таянчлари авария ҳолатда экани бўйича мурожаат қилишди. "Маърифат" маҳалласида яшовчи Ж. Махмудов ҳам таъмирталаб симёғочлар ёгин-сочинли кунларда нафақат чироқ ўчишига сабаб бўлаётгани, балки ҳудуддаги хонадонларга хавф туғдираётганидан ташвишда эканини билдирган.

Депутат ушбу муаммоларни жойига чиқиб ўрганди. Туман электр таъминоти корхонаси вакиллари билан жалб этган ҳолда қисқа муддат ичида "Бирлик" маҳалласида ҳашар йўли билан 20 дона бетон таянчлар ўрнатилди, янги симлар тортилди. "Тоштўғизок" маҳалласи Қоратухум кўчасидаги эски таянчлар янги симёғочларга алмаштирилди. "Маърифат" маҳалласидаги симёғочлар эса таъмирланди.

Латиф МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши раиси.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ АСОСИДА ИЧКИ ЙЎЛЛАР ТАЪМИРЛАНДИ



Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши депутати Д.Махмудова томонидан аҳоли мурожаатлари асосида ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганишлар давомида Чарх Камолон-2 маҳалласида 17- ва 18-уйлар оралиғидаги ички йўлакларни асфальтлаш, шунингдек, Чарх Камолон-3 маҳалласида ички йўллارни таъмирлаш ва асфальт қопламасини янгилаш зарурлиги аниқланди.

Мазкур масалалар юзасида депутат томонидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди ва амалий чоралар кўрилди. Натижада "Зарқанд", "Зебинисо" ва Мўқимий кўчаларида асфальтлаш ишлари бажарилди.

Депутат Д.Махмудова ташаббуси билан амалга оширилган ушбу ишлар натижасида ҳудуддаги ички йўллار асфальт қилиниб, аҳоли учун қулай ва хавфсиз ҳаракатланиш шароити яратилди.

НУҚТАИ НАЗАР

Рақамлар эмас, реал натижа муҳим



Санжар СОБИРЖОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети профессори,
халқ депутатлари Юнусобод
туман Кенгаши депутати.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш депутатлик фаолиятининг ҳам энг муҳим ва самарадорлигини белгилувчи механизмларидан бири ҳисобланади. Чунки халқ билан мулоқот жараёнида кўтарилган ҳар бир муаммо айнан мурожаатлар орқали расмий тус олади ва ҳал этиш жараёни бошланади. Агар мурожаат фақат қабул қилиниб, рўйхатга олинми, кейин жавобсиз ёки юзакли жавоб билан ёпиб қўйилса, бу на мулоқотнинг, на депутатлик институтининг ҳақиқий маъносини акс эттиради. Шу боис замонавий бошқарувда мурожаатлар билан ишлаш фақат “жавоб бериш” эмас, балки муаммони реал натижага олиб чиқиш тизими сифатида шаклланим.

Аввало, мурожаатларни қабул қилиш механизми очик ва қулай бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда фуқаролар депутатларга бевосита қабул вақтида, сайёр қабулларда, маҳаллаларда ўтказиладиган мулоқот ва учрашувларда, ёзма аризалар, электрон платформалар ва телефон орқали мурожаат қилиш имкониятига эга. Бу эса жамиятнинг турли қатламлари учун тенг қўлайлик яратади: кимдир шахсан келиб муаммосини айтади, кимдир ёзма шаклда баён қилади, кимдир эса онлайн мурожаат йўллайди. Муҳими, ҳар бир мурожаат эътибордан четда қолмайди ва расмий тартибда қайд этилади. Бу босқичнинг шаффофлиги фуқароларда “Мурожаатим идоралар ўртасида йўқолиб кетмайди”, деган

ишончни шакллантиради.

Ҳар бир мурожаатнинг индивидуал кўриб чиқилиши эса тизимнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Чунки муаммолар бир хил мазмунда бўлса-да, уларнинг сабаби, кўлами ва оқибати турлича бўлиши мумкин. Масалан, бир ҳудудда сув муаммоси техник носозлик сабабли юзага келган бўлса, бошқа жойда инфратузилманинг эскиргани оқибати бўлиши мумкин. Шунинг учун мурожаатларни умумий шаблон жавоблар билан ёпиш эмас, балки ҳар бир ҳолатни жойига чиқиб ўрганиш, масъул ташкилотлар билан биргаликда таҳлил қилиш ва аниқ ечим ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Бу ёндашув мурожаатни “рақам” сифатида эмас, балки инсон тақдир билан боғлиқ масала сифатида кўриб чиқишга хизмат қилади.

Натижага йўналтирилган ёндашув мурожаатлар билан ишлаш тизимининг асосий мақсадини белгилайди. Шунга кўра, эндиликда мурожаат натижаси ҳақида сўз борганда биринчи навбатда “Муаммо ҳал бўлдимми?” деган савол ўртага ташланмоқда. Агар фуқаро электр таъминоти узилгани ҳақида мурожаат қилган бўлса, оддий тушунтириш хати эмас, балки носозлик бартараф этилгани натижа бўлиб ҳисобланади. Агар йўл таъмири талаб этилса, муаммо режа-жадвалга киритилиб, аниқ муддатда бажарилиши таъминланади. Шундай қилиб, мурожаат ижросининг реал натижаси тизим самарадорлигининг бош кўрсаткичи бўлиб қолмоқда. Бу эса депутатлик фаолиятини қўғозбозликдан амалий ечимлар майдонига олиб чиқмоқда.

Зарур ҳолларда такрорий мурожаатлар, депутатлик сўровлари ёки жамоатчилик муҳокамалари орқали масаланинг

тезкор ҳал этилиши таъминланади. Бу механизм масъул идораларни бефарқ бўлиб қолишдан сақлайди ҳамда фуқаролар муаммосига жиддий ёндашишга мажбур этади. Натижада мурожаатлар жавобсиз қолмайди, балки амалий ечимга олиб келади.

ДЕПУТАТЛИК СЎРОВЛАРИ – МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВОСИТАСИ

Депутатлик сўровлари бугунги вакиллик ҳоқимияти фаолиятида муаммоларни тизимли ва мажбурий тартибда ҳал этишга хизмат қилувчи энг самарали ҳуқуқий механизмлардан биридир. Агар халқ билан мулоқот ва мурожаатлар муаммони аниқлаш босқичи бўлса, депутатлик сўрови ана шу муаммони давлат идоралари кун тартибига қатъий олиб чиқадиган, уни ижрога йўналтирадиган восита саналади.

Депутатлик сўровининг моҳияти шундаки, у муаммони шахсийлик даражасидан чиқариб, жамоатчилик манфаатига дахлдор масала сифатида кўриб чиқишга мажбур этади. Масалан, бир фуқаронинг электр ёки сув муаммоси депутатлик сўрови орқали бутун ҳудуд инфратузилмасига оид тизимли муаммога айланиши мумкин. Сўровда муаммо далиллар билан асосланади, унинг сабаблари кўрсатилади ва масъул ташкилотлардан аниқ муддатларда ечим тақдим этиш талаб қилинади. Бу ёндашув масалани юзакли “кўриб чиқилди” даражасида эмас, балки реал ижрога йўналтиради.

Назорат механизми сифатидаги аҳамияти эса депутатлик сўровининг энг кучли жиҳатларидан биридир. Депутат муаммо юзасидан сўров юборгач, унинг ижроси доимий кузатувга олинади, белгиланган муддатларда натижа талаб

қилинади. Зарур ҳолларда масала қайта кўтарилади, кенг муҳокамага чиқарилади ёки юқори даражадаги органлар эътиборига ҳавола этилади. Бу жараён давлат идораларининг масъулиятини ошириб, “жавоб бердик – иш тугади” деган ёндашувнинг олдини олади. Эндиликда асосий мезон ҳужжат эмас, балки муаммонинг амалда ҳал бўлишидир.

Сўнгги йилларда депутатлик сўровлари институтининг аҳамияти янада кучайтирилди. Жумладан, Президентнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда чуқур таҳлил қилиниши, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратура органлари тақдимномалар киритилиши алоҳида таъкидланди. Бу ташаббус депутатларга кўрсатилаётган юксак ишонч билан бирга, уларнинг ваколатлари реал кучга эга эканини ҳам амалда мустаҳкамлади.

Бироқ муаммоларни ҳал қилиш фақат депутатлик сўровлари билан чекланиб қолмайди. Айрим масалалар кенг ҳамкорлик, жойларда тизимли иш олиб бориш ва маҳалла институтлари билан узвий алоқани талаб қилади. Яъни депутатларнинг маҳаллалар билан олиб бораётган тизимли ҳамкорлиги, жойлардаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш амалиёти қандай йўлга қўйилгани бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланди.

МАҲАЛЛАЛАР БИЛАН ТИЗИМЛИ ҲАМКОРЛИК

Маҳаллалар билан тизимли ҳамкорлик бугунги депутатлик фаолиятининг энг муҳим таянчларидан бири сифатида шаклланим. Чунки маҳалла — бу жамиятнинг энг қуйи, аммо энг реал ҳаёт акс этадиган бўғини

бўлиб, аҳолининг кундалик муаммолари, эҳтиёжлари ва ташаббуслари айнан шу бўғинда юзага чиқади. Депутат фаолияти маҳалла билан узвий боғланмаган тақдирда у фақат умумий масалалар билан чекланиб қолади, ҳаётдан узоклашиб кетади. Шу боис, замонавий бошқарувда депутат ва маҳалла ўртасидаги ҳамкорлик муҳим бўлиб, улар бир бутун механизм сифатида ишлаши айти заруратдир.

Биргаликдаги ташаббуслар депутат ва маҳалла ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналишидир. Кўплаб муаммоларни фақат давлат маблағи билан эмас, балки жамоатчилик иштироки орқали ҳам ҳал этиш мумкин. Масалан, ободонлаштириш ишлари, яшил ҳудудлар яратиш, спорт майдончалари барпо этиш, ёшлар учун тадбирлар ташкиллаштириш каби ташаббуслар маҳалла фаоллари, тадбиркорлар ва депутатлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бундай ташаббуслар нафақат муаммоларни тезкор ҳал этади, балки фуқароларда ўз маҳалласига эгаллик ҳиссини кучайтиради. Натижада одамлар ҳудуд ривожига бефарқ бўлмай, фаол иштирок этишга интилади.

Ижтимоий лойиҳалар эса ҳамкорлиқнинг стратегик йўналишига айланим. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар бандлигини ошириш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахслар учун шароит яратиш каби лойиҳалар депутатлар ташаббуси ва маҳаллалар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бундай лойиҳалар муаммоларни вақтинчалик эмас, балки узок муддатли барқарор ечим асосида ҳал этишга хизмат қилади. Шу орқали маҳалла ижтимоий ёрдам марказидан ижтимоий ривожланиш майдонига айланиб бормоқда.

ДУНЁ ВА БИЗ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ҲИСОБОТ: ҚАЙСИ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)



Элёржон САМИНОВ,
Барқарор ривожланиш маркази
директори.

БМТга кўра, дунёдаги 193 давлатдан 190 таси барқарор ривожланиш бўйича миллий стратегиялар ва дастурларни қабул қилган. Бу ҳолат барқарор ривожланиш тамойиллари халқаро ҳамжамият томонидан умумий тараққиёт йўли сифатида қабул қилинганини кўрсатади.

Шу билан бирга, мамлакатлар Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш жараёнида Ихтиёрий миллий шарҳ механизми орқали ўз тажрибалари ва натижаларини тақдим этмоқда. 2015 йилдан буён кўплаб давлатлар камида икки марта миллий шарҳ тақдим этган бўлиб, 2025 йилда яна 39 та мамлакат ўз ҳисоботини эълон қилишини билдирган. Фақат уч давлат – Гаити, Мьянма ва АҚШ ушбу жараёнда иштирок этмаган. Шунингдек, маҳаллий даражада ҳам барқарор ривожланиш сиёсатини баҳолаш

учун Ихтиёрий маҳаллий шарҳлар амалиёти кенгайтириб бормоқда.

Бирок амалий натижалар барқарор ривожланишга эришиш йўлидаги мураккабликларни ҳам кўрсатмоқда. Ҳисоботга кўра, жаҳон миқёсида Барқарор ривожланиш мақсадларининг атиги 17 фоизгача белгиланган режа бўйича амалга оширилмоқда, қолган қисмида эса секинлашиш ёки орқага кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Айниқса, озик-овқат хавфсизлиги, экологик мувозанат ва биохилма-хиллик, шаҳарлар инфратузилмасининг барқарорлиги, адолат ва ҳуқуқий институтлар самарадорлиги каби соҳаларда муаммолар сақланиб қолмоқда. Мутахассислар фикрича, бу ҳолатга геосиёсий моjarолар, иқтисодий инқирозлар, молиявий ресурслар етишмаслиги ҳамда иқлим ўзгариши асосий сабаб бўлмоқда.

2025 йилги ҳисоботга кўра, Барқарор ривожланиш индекси бўйича етакчилик асосан Европа давлатларига тўғри келмоқда. Хусусан, Финляндия биринчи, Швеция иккинчи ва Дания учинчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, Германия ва Франция ҳам юқори натижаларга эришган давлатлар қаторига киради.

Бу мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими, таълим ва тиббиёт соҳалари юқори даражада ривожланган бўлиб, давлат бошқарувида шаффофлик ва самарадорлик таъминланган. Бироқ, ҳатто ушбу давлатлар ҳам барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмоқда.

Шу билан бирга, Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари сўнгги ўн йил ичида барқарор ривожланиш бўйича энг тез ўсишни намойиш этмоқда. Масалан, Непал, Камбоджа, Филиппин, Бангладеш ва

Мўғулистон индекси сезиларли даражада ўсган. Шу қаторда Бенин, Перу, Бирлашган Араб Амирликлари, Коста-Рика, Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ҳам барқарор ривожланиш бўйича жадал тараққиётга эришган мамлакатлар қаторига киритилган.

Ҳисоботда Ўзбекистон Марказий Осиё ва Шарқий Европа минтақасида барқарор ривожланиш бўйича энг тез тараққиёт этаётган давлатлардан бири сифатида қайд этилган.

2025 йилги рейтингга кўра, Ўзбекистон 167 та давлат орасида 73,1 балл билан, 19 поғонага кўтарилиб, 62-ўринни эгаллади. Бошқача айтганда, юртимиз 2015 йилдан буён Марказий Осиё ва Шарқий Европа минтақаларида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида фаол суръатда тараққиётга эришган давлат сифатида эътироф этилди. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда кенг қамровли ишхотлар самарадорлигини ва жамиятнинг фаол иштирокини намойён этмоқда.

Шу билан бирга, ҳисоботда Барқарор ривожланишга эришишдаги асосий тўсиқлардан бири – молиявий ресурслар етишмаслиги ҳам таъкидланади. Дунё аҳолисининг қарийб ярми барқарор ривожланиш дастурларини амалга ошириш учун етарли молиявий имкониятларга эга бўлмаган давлатларда яшайди.

Ривожланаётган мамлакатлардаги ташқи қарзларнинг ортиши, инвестиция ресурсларининг чеклангани, халқаро молиявий тизимдаги тенгсизлик муаммолари ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, барқарор ривожланишга эришиш учун халқаро молиявий архитектура ни слоҳ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳисобот муаллифлари ривожланаётган мамлакатларга имтиёзли кредитлар ажратиш, ташқи қарзларни қайта кўриб

чиқиш, халқаро экологик жамғармаларни кенгайтириш, глобал инвестиция оқимларини уларга йўналтириш каби амалий чораларни тақлиф қилмоқда.

Шунингдек, ҳисоботда барқарор ривожланишда инсон капиталига сармоя киритиш мақсадаги мувофиқлиги таъкидланади. Мутахассислар таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестиция киритиш узок муддатда иқтисодий ўсишни таъминлашни қайд этмоқда. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, инсон капиталига киритилган инвестициялар 20 фоизгача иқтисодий натижа бериши мумкин.

Бундан ташқари, сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, яшил энергетика ва инновацион технологиялар барқарор ривожланишни тезлаштирувчи муҳим омиллар сифатида баҳоланмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам барқарор ривожланишга қаратилган кенг кўламли ишхотлар амалга оширилмоқда. Камбағалликни қисқартириш дастурлари, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда рақамли трансформацияни жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатнинг бу йўлдаги қатъий позициясидан далолат бермоқда.

Экспертлар томонидан халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш, глобал молиявий тизимни слоҳ қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, инсон капиталига инвестицияларни ошириш, экологик барқарорликни таъминлаш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги тавсия этилган.

Хулоса қилиб айтганда, таҳлиллар жаҳон тараққиётда барқарор ривожланиш госяси тобора марказий аҳамият касб этаётганини яққол намойён қилмоқда. Ҳисобот натижалари бир томондан кўплаб мамлакатлар барқарор ривожланиш йўлида сезиларли ютуқларга эришаётганини кўрсатса, иккинчи томондан глобал миқёсда ҳали ҳам жиддий муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Геосиёсий зиддиятлар, молиявий ресурслар тақчиллиги, экологик инқирозлар ва ижтимоий тенгсизлик каби омиллар барқарор тараққиёт жараёнини секинлаштирмоқда. Шу сабабли барқарор ривожланиш фақат алоҳида давлатларнинг эмас, балки бутун инсониятнинг умумий масъулиятига айланмоқда. Акс холда 2030 йилгача белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш нафақат қийинлашади, балки инсониятнинг келажак ҳаёти ҳам хавф остида қолиши мумкин.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



Махфуза ЮЛДАШЕВА,
сиёсий фанлар доктори,
Тошкент давлат иқтисодий
университети доценти.

Бугун дунё аънавий урушлардан анча узоклашиб, инсон онги учун кураш майдонига айланиб бўлди. Қуроллар шовқини ўрнини ахборот оқимлари, танклар ўрнини эса манипулятив нарративлар эгаллади. Айтиш мумкинки, ахборот уруши, мафкуравий босим, қадриятларнинг унутилиши – булар, аввало, жамиятнинг интеллектуал имунитетини синовдан ўтказмоқда.

Ижтимоий тармоқларда кучайиб бораётган ахборот провокациялари, сохта кун тартиблари, ҳис-туйғуга қаратилган таъсирлар бунга яққол мисол. Сиёсий маданият тамойиллари четлаб ўтилган ҳолда, давлатларнинг ички ишларига аралашиб, жамият онгини беқарорлаштиришга қаратилган уринишлар тобора тизимли тус олмақда. Турли ахборот хуружлари орқали халқлар ва миллатлар ҳис-туйғуларига таъсир қилиш, уларни қўзғашга ўндовчи жараёнлар кучайиб бормоқда.

Шу нуқтада бир ҳақиқатни аниқ айтиш лозим: ҳар қандай жамиятда куч, пул ёки маъмурий ресурслардан ҳам устун турадиган асосий омил бор – бу унинг интеллектуал салоҳиятидир. Ана шу

Сукутдан ҳосил бўлган бўшлиқни бошқалар тўлдиради

устунлиқни шакллантирадиган, йўналиш берадиган, жамият онгини ҳаракатга келтирадиган қатлам, табиийки, зиёлилар ҳисобланади.

Хўш, зиёли ким? Мустафо Чўқай зиёли одам ҳақида фикр юритаркан, шундай дейди: "Биз ҳар қандай ўқиган одамни зиёли деб аташимиз мумкинми? Зеро, зиёлилик таҳсил олганлик билан ўлчанмайди. Зиёли инсонларни эса гоё бирлаштиради". Улар миллатнинг ақли, маънавий йўлбошчиси, тараққиёт ва таназзул ўртасидаги ноёб мезондир. Чинакам зиёли фақат ақл ва билим эмас, катта қалб ва маънавият эгаси ҳам бўлмоғи зарур. Умуман олганда, зиёли деганда, инсонга, айниқса, ёшларга ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатувчи шахслар тушунилиб, улар турли соҳаларга мансуб бўлишлари мумкин.

Биз, зиёлилар бугун глобал ахборот замонидан бирлаша олаётимизми?

Сўнгги йилларда жамиятдаги айрим тенденциялар мени ўйлантирмоқда: зиёлилар сўзи кўпинча кечикаётгани, айрим муҳим масалаларда сукут устун келаётгани кузатилади. Агар зиёлилар сукут қилса, бу сукутдан ҳосил бўлган бўшлиқни бошқалар тўлдиради. Бу сукут жамиятда маънавий вакуумни юзага келтириб, уни бегона ғоялар эгаллашига шароит яратади. Ва кўпинча бу ёлғон, манипуляция ва зўравон ғоялар бўлади. Шунинг учун зиёлининг вазифаси фақат кузатиш эмас, балки йўл кўрсатиш, огоҳлантириш, маънавий устунлиқни сақлаб қолишдир.

Тарих буни кўп бор исботлаган: қайси жамиятда зиёли қатлам фаол, бирлашган

ва келажақ олдида жавобгарликни ҳис этган бўлса, ўша ерда息лохотлар чуқур, тараққиёт барқарор кечган. Аксинча, зиёлилар сукутга кетган, пароканда бўлган ёки четга сурилган даврларда жамият инерцияга тушган, оқибатда таназзул юз берган.

Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда бир ҳақиқат янада равшан кўринади: тинчлик – тасодиф эмас, у онгли танлов, ақлли сиёсат ва маънавий баркамоллик самарасидир. Шу маънода, бугунги осуда ҳаётимиз, барқарорлик ва хотиржамлик учун шуқроналик ҳисси ҳар бир фуқаро, айниқса, зиёли инсон қалбида мустақкам ўрин эгаллаши шарт.

Жамиятда турли фикрлар, қарашлар мавжуд бўлиши табиий. Аммо улар қарама-қаршиликка эмас, мулоқотга, зиддиятга эмас, ҳамжиҳатликка айланиши керак.

Бугунги асосий хавф фақат ташқи таҳдидлар ёки четдан уюштирилаётган тарғиботлар эмас. Энг хавфли омил ички бефарқлик ва умумий мақсад атрофида бирлаша олмаликда кўринади.

Шунинг учун ҳам зиёлилар уйғоқ бўлиши ҳаётий зарурат. Уйғоқлик – воқеаларга кечикиб эмас, ўз вақтида муносабат билдириш билан намоён бўлади. Уйғоқлик – жараёнларни чуқур таҳлил қилиш, ташқи таъсирларга танқидий ёндашиш, халққа тиниқ фикр бериш демакдир.

Фикрлар уйғунлиги, мақсадлар бирлиги ва умумий позиция жамиятни ҳаракатга келтиради. Миллатни уйғотиш орқали жамият онги тиниқлашади, хавф ва имконият ўртасидаги чегара аниқ

кўринади. Бу вазифа фақат билим билан эмас, маънавий жасорат билан амалга оширилади. Зиёли сифатида соҳавий масалаларда фикрларимиз бир жойдан тортишувлар бўлиши аниқ, аммо Ватан масаласида қарашларимиз бир, ғояларимиз бир. Бу Ватанга садоқатдир! Зеро, бизни олим қилган, эл учун, хотиржамлик ила оиламиз билан бир дастурхонда ўтириб суҳбатлашмоқ завқи учун, шогирдларимизга илму урфонларни улашмоқ учун, шу юрт учун, шу халқ учун миллат зиёлилари бедор бўлмоғи лозим.

Ватанни асраш чегараларни қўриқлаш билан чекланмайди. Шўкрки, миллий армиямиз кучли, мудофаа қобилиятимиз мустақкам. Қайсидир минтақада сониялар олдин тирик бўлган фарзандини лаҳза қадар кўз олдида вафотини кўраётган оналарни, уруш вайронларига боққанча бахтли кунларини қўмсаб йиғлаётганларни, алп йигитларнинг қурбон бўлаётганини кўз олдимизга келтира оламизми? Шунда ҳам шукр айтмаймизми?!

Осуда кунларимиз, тўй-у томошаларимиз, фарзандларимизнинг оламшумул ютуқлари учун ҳам шу Ватанни шараф билан, илму зиё нурини сочиб асрамоғимиз керак! Олимпикнинг ҳам, орифликнинг ҳам буюк миссияси шу аслида!

Уйғоқ онг, яқдиллик ва маънавий устунлик бор жойда тинчлик мустақкам бўлади. Ва айнан шу йўл – зўравонликка қарши энг кучли жавоб, ахборот урушига қарши энг пўлат қалқондир.

ИНСОН ҲИЗМИТИ...

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ЖССТ ҳисоб-китобларига кўра, дунёда ҳар саккиз кишидан бири руҳий касалликдан азият чекмоқда. Аниқроқ айтганда, руҳий саломатлик глобал муаммолардан бири ҳисобланмоқда.

Халқаро экспертларнинг фикрича, бу масалага етарлича эътибор қаратмаслик мамлакатлар ва жамиятларнинг наинки ижтимоий барқарорлиги, балки иқтисодиёти учун ҳам қимматга тушади. Бироқ ҳали кўпгина давлатларда соғлиқни сақлаш учун ажратилаётган харажатларнинг жуда кам қисми руҳий саломатликка йўналтирилмоқда. Аксарият жамиятларда расмий руҳий саломатлик хизматлари умуман мавжуд эмас. Натижада кўпинча руҳий инқироз ичида яшаётган одамлар ўз муаммолари билан ёлғиз қолаётир.

Хўш, бизда-чи, деган савол туғилиши табиий.

Сўзимиз аввалида келтирганимиз – кунда-шунда рўй бериб турган таассуфли ҳолатларга қўшимча равишда айтиш мумкинки, мазкур глобал муаммо юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Ўтган йили руҳий саломатлик индексида Ўзбекистон 83 давлат ичида 74-ўринда қайд этилгани фикримиз исботи.

– Бугунги кунда руҳий саломатлик масаласи бутун дунёда тиббиётнинг энг долзарб йўналишлари қаторидан жой олган, – дейди Республика руҳий касалликлар клиник шифохонаси бош ҳамшираси, олий тоифали мутахассис Мўяссар Мирзаева. – Халқаро илмий-амалий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, рақамлаштириш даврига келиб дунё аҳолисининг катта қисми ҳаёти давомида камида бир марта бўлса ҳам руҳий бузилиш билан тўқнаш келяпти. "Руҳий бузилиш" деганда фақат оғир психик касалликлар эмас, балки депрессия, хавотир, стресс билан боғлиқ клиник ҳолатлар ҳам тушунилади.

Авваллари психиатрияга оид муаммоларга ўнчалик ҳам диққат қаратилмаган бўлса, ҳозирга келиб руҳий саломатлик очиқ муҳокама этилаётган, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга мавзуга айланди. Урганишлар замонавий ҳаёт тарзи, яъни ахборот оқимининг кескин ошгани, интернет ва ижтимоий тармоқларга қарамлик, экологик таназзул ва озиқ-овқат хавфсизлиги бунинг асосий сабаблари эканини кўрсатмоқда.

Айни тезкор даврда, таъбир жоиз бўлса, бутун ҳаёт тарзи рақамлашиб бораётган инсониятни руҳий инқироз билан юзма-юз қилаётган

сабаблар ичида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам борлиги кишини ўйлантиради.

– Бунинг ажабланидиган жойи йўқ, – давом этади М.Мирзаева. – Генетик олимлар биз истеъмол қилаётган озиқ-овқатлардаги сунъийлик туфайли танамизда турли мутациялар содир бўлишини аллақачон аниқлашган. Мутациялар сони ошиши инсонда руҳий оғишларни келтириб чиқаради. Мана шундай сабаблар оқибати ўлароқ ҳозирги пайтда амалиётда аутизм ташхиси қўйилган болалар, руҳий синдромлардан азият чекаётган ёши катта беморлар сони ошиб бораётганини кузатишимиз мумкин.


НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

– Одамларимизда истеъмолчилик кайфиятининг юқорилиги, бошқача айтганда, чегара билмаётган ҳою ҳаваслар, дейлик кредит олиб бўлса ҳам, уйини қўшнисиникидан бир қават юқори қилиб қайта қуриш, тўй-маъракаи ҳашаматга айлантириш, барча соҳада шиддатли ўзгаришлар кечаётган замонга мослашиш юки, қашшоқлик, зўравонлик, ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ муаммолар фонида руҳий касалликлар хавфи ҳам юқори бўлади, – дейди тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Наргиза Нуралиева. – Гўдаклик, болалик ва ўсмирлик даврлари инсоннинг руҳий соғлиғига таҳдид солувчи хавф омилларига таъсирчан, заиф бўлади. Айнан шу даврдаги тарбия, ғамхўрлик ва ўрганиш учун қулай шароитлар келажақда руҳий саломатлиқни муҳофаза қилишнинг кучли омиллари бўлиши мумкин. Демак, аҳоли ўртасида руҳий саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш учун биринчи навбатда ёш авлоднинг руҳий саломатлигини сақлаш ва мустақамлаш чора-тадбирларига устувор эътибор қаратмоқ керак.

Биламизки, мактабларда шаттадаги психолог лавозимлари жорий этилган, улар асосан ўқувчиларнинг ижтимоий мослашуви, хулқ-атворидаги муаммолар, стресс ва конфликт ҳолатлари билан ишлайди. Бироқ амалиётда битта психологга жуда кўп ўқувчи тўғри келиши, бунинг устига, ишининг кўпроқ ҳисобот ва формал тадбирлар билан чекланиб қолаётгани каби муаммолар мавжудки, бу профилактика ишларига ўз таъсирини ўтказмай қолмапти.

Аҳоли ўртасида руҳий муаммоларни эрта аниқлаш ва профилактика механизмини йўлга қўйиш учун бирламчи тиббий бўғин — поликлиника ва оилавий шифокорлар

ШИДДАТЛИ ДАВР, РУҲИЙ ИНҚИРОЗ, ДАРЗ КЕТАЁТГАН ОДАМИЙЛИК



тизимда психологик ёрдам йўлга қўйилиши шарт. Мазкур масалага меҳнат жамоаларида ҳам эътибор қаратилиши, иш берувчилар ходимларнинг руҳий саломатлиғига жиддий ёндашиши ҳаётий заруратдир. Касбий чарчоқ, стресс ва турли конфликтлар энг камида агрессияларга, ўзаро жанжал ва бошқа хунук ҳолатларга олиб келади.

Мухтасар айтганда, аҳоли кенг қатлами руҳий саломатлик бўйича етарли маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки бугун кишиларнинг руҳий ҳолатига фақат шахсий масала сифатида қараб бўлмайди. Аҳолининг руҳий саломатлиги иқтисодий ўсишга, оилаларнинг тинчлигига, таълим сифатини оширишга, жиноятчиликни камайитиришга ва ижтимоий барқарорликни мустақкамлашга хизмат қилади.

ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ

Мамлакатимизда халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генофондини асраш тараққиётни таъминловчи стратегик масалалар сирасига киритилган. Бу борада қатор қонун ҳужжатлари, давлат раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилиниб,

амалиётга татбиқ этилмоқда. Яқинда эълон қилинган «Аҳолига наркологик ва психиатрик хизмат кўрсатиш тизимини трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори лойиҳаси замирида ҳам ана шу мақсадлар турибди.

Лойиҳа билан танишиш асносида юртимизда аҳолининг руҳий саломатлигини яхшилаш, соҳадаги муаммоларга ҳақчил, тезкор ечим топиш йўлида янги қадамлар қўйилаётганини англаш мумкин.

Лойиҳага кўра, 2027 йил 1 январдан бошлаб Руҳий саломатлик миллий тиббиёт маркази ва унинг 14 та худудий филиалини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тошкент шаҳар болалар психоневрология маркази Республика болалар руҳий саломатлик маркази этиб қайта ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. У болалар психиатрия хизмати бўйича бош муассаса ҳисобланади ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун асосий клиник база вазифасини бажаради. Шу билан бирга, республика, жумладан, Тошкент шаҳри аҳолисига хизмат кўрсатади.

Руҳий саломатлик хизматларини

бирламчи тиббий ёрдам тизими билан интеграция қилиш, ёш психиатрлар тайёрлаш, уларни амалиётга кенг жалб этиш ҳамда аҳолига яқин, қулай хизматлар кўрсатиш вазифалари ҳам қамраб олинган. Ушбу мақсадда кўп тармоқли марказий поликлиникалар ва маслаҳат-диагностика бўлимларида катталар психиатри, болалар психоневрологи (болалар психиатри), нарколог, тиббий психолог ва ҳамширалардан иборат бирламчи руҳий саломатлик бўлимлари ташкил этилади.

Шунингдек, психиатр ва клиник психологлар тайёрлаш тизими кенгайтирилади. Қарор лойиҳасида келтирилишича, 2026—2027 ўқув йилидан бошлаб наркология, психиатрия ва тиббий психология йўналишлари бўйича магистратура ҳамда клиник ординатура (резидентура)да ўқиш муддати 2 йил этиб белгиланиши, уларни битирган мутахассислар катталар ва болалар психиатри (психоневролог), суицидолог шифокори сифатида ишлаш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

2030 йил якунига қадар аҳолининг руҳий саломатлик хизматида юртимизда аҳолининг руҳий саломатлигини яхшилаш, соҳадаги муаммоларга ҳақчил, тезкор ечим топиш йўлида янги қадамлар қўйилаётганини англаш мумкин.

Замонамизга келиб руҳий саломатлик мавзуси кун тартибига чиқарилган, назаримизда, инсонларнинг маънавий-руҳий озқадан йироқлашиб бораётгани ҳам ҳал қилувчи сабаблардан биридир. Маҳдудлик, ахборотга, янгиликка, ижтимоий муносабатларга эҳтиёжни фақат гаджетлар орқали қондириш, илму маърифатнинг, китобхонлик ва асл санъатнинг инсон руҳиятидаги кемтикларга қай даражада даво бўлишини унутиб қўйиш пировардида руҳий инқирозга олиб келмаяптимикан?!

Буниси энди алоҳида мавзу!

Фарида ИБРОҲИМОВА.

ТАҚДИМОТ

"Саккизинчи мўъжиза"



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидланганидек, "Ishonch" va "Ishonch-Доверие" газеталари мамлакатимизда кечаётган туб янгилашлар билан бирга жамият ҳаётида учраётган муаммоларни дадил, чуқур илмий, таҳлилий, танқидий тарзда ёритишда намуна бўлиб келмоқда. Уларда чоп этилган сара мақолаларни жамлаб, ҳар йили "Ишонч" ва "Ишонч-Доверие" газеталари кутубхонаси" сериясида китоб ҳолида ўқувчиларга тақдим этиш яхши анъанага айлангани яна бир эътиборли жиҳатдир. "Саккизинчи мўъжиза" китобида 2025 йилда эълон қилинган ва жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган қатор публицистик, таҳлилий-танқидий, мулоҳазали мақолалар, суҳбатлар ўрин олган.

Тўпلامни варақлар эканман, таҳририятда танқид ва таҳлил уйғунлашгани, жойларда учраётган муаммолар далил-исботи ва фактлар билан кўтарилганига амин бўлдим, – дейди филология фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев. – Масалан, Хусан Эрматовнинг "Мақсад нечоғлиқ мантикли?", Жаҳонгир Наҳановнинг "Ғоялар майдонидаги бўшлиқ", Дармон Ибрагимовнинг "Пластикка айланаётган одам", Машхура Жўрақулованинг "Z авлод қаршисида", Нурилло Нўъмоновнинг "Тежамаганнинг таги танг" каби мақолаларида жиддий муаммолар бор бўйи ва кўлами билан очиб берилганига амин бўлдим.

Тўпلامда биз яхши таниган журналистлардан Абдунаби Ҳайдаровнинг "Қайта алангаланган чўғ", Алижон Абдурахмоновнинг

"Сўнги кўнгироқ – нимага чорлов, нимага зарба?", Ғуломжон Мираҳмедовнинг "Пойтахт кўчаларидаги пулли парковка", Аббор Зоҳидовнинг "Кредит, "рассрочка", "вариант" каби мақолалари эътиборимни тортди, – дейди "Жаҳон адабиёти" журналі бош муҳаррири Аҳмадҷон Мелибоев. – Ушбу тўплам журналистика йўналишида тахсил олаётган талабалар учун тайёр дарслик бўлиб хизмат қилади. Демак, таҳририят жамоаси бундай анъанани давом эттириши айни муддао бўларди.

Тақдимотда сўзга чиққанлар томонидан ОАВ, умуман, журналистлар ҳамisha ўз даври сўзини баралла ва журъат билан айти олиши, шундагина улар жамият ва одамлар олдидаги бурчини тўлақонли адо этишига урғу берилди.

ҲАМКОРИМИЗ

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурининг асосий таянч банки ўлароқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ва аҳоли учун қўшимча даромад манбаларини яратишга салмоли ҳисса қўшиб келмоқда. Бунга ўтган – 2025 йилда эришилган натижалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш марказида ўтказилган анжуманда шу ҳақида сўз борар экан, "Инсон қадрини таъминлаш билан уйғун лойиҳалар мазкур банк хизматларини замон талабларига мослаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

– 2026 йил 1 январь ҳолатига банкнинг умумий капитали 5,27 триллион сўмга етди, – дейди Бизнесни ривожлантириш банки Стратегия бош директори Бахтиёр Раҳматов. – Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 25 фоизга юқорилганини кўрсатади. Банк активлари ҳам ўсишда давом этиб, 38 триллион 167 миллиард 731 миллион сўмни ташкил қилди. Бу 2024 йилга нисбатан 18,8 фоизга кўндир. Даромад келтирувчи активлар 32 триллион 184 миллиард 800 миллион сўмга етди. Ўтган йили банк томонидан жами 10 триллион 380 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар иқтисодийнинг турли соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилди.

Таъкидланишича, Бизнесни ривожлантириш банки мижозлари сони 1 миллион 865 минг 608 нафар бўлиб, шундан 1 миллион 768 минг 254 нафари жисмоний, 97 минг 354 нафари юридик шахслар ҳисобланади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 2026 йил 1 январь ҳолатига банкнинг хизмат кўрсатиш офислари сони 76 тани ташкил этди. Шунингдек, мижозлар учун 156 та халқаро пул ўтказмалари, 198 та валюта айирбошлаш ва 327 та 24/7 режимида хизмат кўрсатувчи шохобчалар йўлга қўйилган.

– "Кичик бизнесни узлуксиз

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ:

ФАОЛИЯТ ШАФФОФЛИГИ ВА ҲИСОБДОРЛИК – УСТУВОР



қўллаб-қувватлаш" дастури доирасида 7 601 нафар тадбиркорга 820 миллиард сўм кредит ажратилди, – дейди банкнинг Стратегик ривожлантириш департаменти директори Озода Шукурова. – Бунинг натижасида 7 минг 800 дан ошиқ иш ўрни яратилди. Банкка бириктирилган 610 та маҳаллада 2025 йил давомида 5 триллион 215 миллиард сўм кредит ажратилди. Натижада 262 минг 293 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди. Шундан 97 минг 328 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 164 минг 965 нафар фуқаро тадбиркорликка жалб қилинди. "Сайхунобод тажрибаси" асосида 6 минг 689 та молиявий пакет шакллантирилди. 28 минг 12 та микролояҳа амалга оширилиб, 704 миллиард сўм кредит ажратилди.

"Уйчи тажрибаси" доирасида жойларда 1 минг 368 та учрашув ўтказилди. Бу бўйича 5 минг 620 та мурожаат ўрганилиб, амалий чоралар самарасида 8 минг 688 та иш ўрни очилди. "Аёл тадбиркор" кредит маҳсулоти доирасида 1 минг 530 нафар опа-сингилларимизга 192,4 миллиард сўм кредит берилди.

Аҳолининг турар жойга бўлган талабидан келиб чиқиб, 2025 йилда 6

минг 919 нафар фуқарога 1 триллион 892 миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Уларнинг қарийб ярмига субсидияли ипотека кредитлари тақдим этилгани эътиборга моликдир.

Тадбирда банкнинг 2026 йилдаги устувор вазифалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, инновацион хизматларни жорий этиш ва жамоатчилик билан очик мулоқотни кучайтиришга алоҳида диққат қаратилиши айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, жамоатчилик билан очик мулоқотни мустаҳкамлаш, фаолият шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш банк фаолиятининг доимий устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши таъкидланди.

Ўз навбатида, инновацион молиявий ечимлар ва янги хизмат турларини жорий этиш орқали мижозларга янада кенг имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

Тадбир якунида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Саҳифани "Ўзбекистон овози" муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

ТАДБИР

"МИКРОКРЕДИТБАНК" – КИЧИК БИЗНЕСГА КЎМАКЧИ

Микрокредитбанк республикаимизда кичик бизнес, хусусий ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандчилик ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда микромолиявий хизматларни кенгайтириш борасида сезиларли ютуқларга эришмоқда. Хусусан, ўтган йили банкнинг 92 та ҳудудий бўлинмасига бириктирилган 1 минг 62 та маҳаллада 320 нафар маҳалла банкири, уларга ёрдамчи агентлар фаолияти йўлга қўйилди.



Бу ҳақида Миллий матбуот марказида "Микрокредитбанк" АТБ томонидан аҳоли бандлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш бўйича 2025 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида сўз юритилди.

Қайд этилишича, 2025 йилда банк томонидан 10,2 триллион сўм кредитлар ажратилган, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесга 7,9 триллион сўм, турли дастурлар доирасида 4,2 триллион сўм кредит тақдим қилинган ҳамда 345 минг 895 нафар аҳоли бандлиги таъминланган. Уларнинг 122 минг 66 нафари доимий ишга жойлаштирилган бўлса, қарийб 224 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинган.

Бундан ташқари, 47 минг 975 та микролояҳага 905,1 миллиард сўм кредит ажратилиб, 98 минг 305 та иш ўрни яратилди. Кам даромадли 11 минг 142 та хонадон 318 миллиард сўмлик лойиҳа пакетлари билан қўллаб-қувватланди, бу эса 16 минг 700 дан зиёд ишсиз фуқаролар учун муқим даромад манбаи яратилишига олиб келди.

"Бир контур – бир маҳсулот" тамойили доирасида 5 минг 210 нафар аҳоли 34 минг 764 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирди. Аҳамиятлиси, бу маҳсулотларнинг муайян қисми экспортга чиқарилди.

"Камбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида 181 та ҳудудий бўлинма раҳбарлари ва ёрдамчи агентлар 412 та оиланин турмуш шароитини яхшилаш орқали уларни Ижтимоий реестрдан чиқаришга муваффақ бўлди.

2026 йил ҳам "Микрокредитбанк" учун қизғин ва самарали келди. Мисол учун, биринчи чоракнинг ўзида 1,7 триллион сўм кредит ажратилиб, аҳоли бандлиги борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Ёшлар учун "Бир контур – бир маҳсулот" тамойили асосида 362 та намунали лойиҳа амалга оширилиши учун агрегаторларга 5,85 миллиард сўм кредит ажратилган. Масалан, Тошкент вилояти Паркент тумани "Шампан" маҳалласида 10 нафар йигит-қизга 1 гектардан ер ижарага берилган бўлиб, ушбу экин майдонларида помидор етиштириш кўзда тутилмоқда. Бу бўйича "Транспорт Глобус" корхонаси ва ер эгалари ўртасида фьочерс шартномаси имзоланиб, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи экинда 350 тонна маҳсулот етиштирилди ва ҳар бир ёш 60 миллион сўм даромад олиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк" бу сингари муҳим лойиҳалар орқали камбағалликни камайтириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини оширишни, айниқса, қишлоқ ҳудудларда иқтисодий фаолликни янада ривожлантиришни мақсад қилган.

E'LOH

BARCHA PUDRAT TASHKIOTLARI DIQQATIGA!

"Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, Beruniy ko'chasida joylashgan, "Biznesni rivojlantirish banki" ATB ma'muriy binosini mukammal ta'mirlash" ishlari bo'yicha eng yaxshi taklifni tanlash (tanlash) o'tkazilmoqda.

Tanlash o'tkazish shartlari va tartibi to'g'risida batafsil ma'lumot xarid hujjatida keltirilgan. Xarid hujjatlarini Buyurtmachining saytida (<https://brb.uz/>) yuklab olish mumkin.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toشتهмир XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.